ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

САМАРҚАНД ДАВЛАТ АРХИТЕКТУРА-ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ

«ТАСДИҚЛАЙМАН»
СамДАҚИ ректори
С.И. Ахмедов
____________
«8» ______ 2020 йил

# ИККИНЧИ ОЛИЙ ТАЪЛИМГА КИРИШ СИНОВИ ДАСТУРЛАРИ ВА БАҲОЛАШ МЕЗОНЛАРИ

5230100 Иктисодиёт (курилиш) таълим йўналиши учун

САМАРҚАНД – 2020

Дастур Олий Таълимнинг "Иқтисодиёт" таълим йўналишида ўтилган фанлар, шу жумладан, "Иқтисодиёт назарияси", "Кичик бизнес ва тадбиркорлик" фанлар мажмуасини ўзида акс эттирган.

Мазкур дастур 5230100 – «Иқтисодиёт (қурилиш)» таълим йўналиши бўйича таянч фанлардан иккинчи олий таълимга кириш синовларини топширувчиларга мўлжалланган.

**Тузувчилар:** СамДАҚИ "Қурилишда менежмент" кафедраси мудири, и.ф.н., доцент Х.Т.Буриев
СамДАҚИ "Қурилишда менежмент" кафедраси доценти, т.ф..н., И.А.Усманов
СамДАҚИ "Қурилишда менежмент" кафедраси доценти, и.ф..н., Б.К.Абдусаматов

**Тақризчилар:** СамДАҚИ "КМЭваУБ" кафедраси мудири, и.ф.д., доцент Б.Ж.Гиясов
СамДУ "Иқтисодиёт" кафедраси и.ф.н., доценти, Н.У.Арабов

Мазкур дастур Самарканд давлат архитектура-қурилиш институти "Қурилишда менежмент" кафедраси мажлисида муҳокама қилинган ҳамда тавсия этилган (2020 йил 02.10 даги 2 сонли мажлис баёни)

**Кафедра мудири** **Буриев Х.Т.**

Мазкур дастур Самарканд давлат архитектура-қурилиш институти "Қурилишни бошқариш" факультети Кенгашида муҳокама қилинган ва фойдаланишга тавсия этилган (2020 йил 05.10 даги 2 сонли баёни).

**Факультет декани** **Назаров У.А.**

**Кириш**

"Иқтисодиёт" (қурилиш) таълим йўналиши бўйича иккинчи олий таълимга кирувчилар синов топширишда таянч фанлар етакчи бўлиб ҳисобланади. Шунинг учун иккинчи олий таълимга кирувчилар "Иқтисодиёт" таълим йўналиши доирасида қуйидаги таянч фанлардан "Иқтисодиёт назарияси", "Кичик бизнес ва тадбиркорлик" синов ўтказилади. Бунда иккинчи олий таълимга кирувчилар иқтисодиёт, кичик бизнес, тадбиркор, бизнес каби иқтисодий категорияларнинг моҳиятини, функцияларини, иқтисодиётдаги ролини, уларнинг таркибий қисмлари билан боғлиқ саволларни, уларга тааллуқли муаммолар ечимини билишлари ва ёрита олишлари керак.

Ушбу дастур "Иқтисодиёт назарияси", "Кичик бизнес ва тадбиркорлик" фанлари бўйича тасдиқланган мавзулари асосида тузилган.

Иқтисодиёт, бизнес, тадбиркорлик ва шу каби иқтисодий категориялар бозор муносабатларини ташкил қилувчи асосий воситаларидан ҳисобланиб, бозор механизмининг самарадорлигини таъминлашда муҳим рол ўйнайди. Уларнинг барқарорлигини таъминлаш самарали иқтисодиётни ташкил қилишнинг асоси ҳисобланади ва Ўзбекистоннинг 2017-2021 йилларда жадал ривожланиш стратегиясини амалга ошириш йўлларини белгилаб беради.

Таянч фанлар бўйича иккинчи олий таълимга ўқишга кирувчилар учун мўлжалланган синов дастурининг **асосий мақсади ва вазифаси** иқтисодиёт, бизнес, тадбиркор, тадбиркорлик ҳамда қурилиш соҳасини ривожланиши ва фаолият юритишининг назарий, амалий жиҳатлари билан боғлиқ тизимларга тааллуқли мавзулар ва саволларни баён қилишдан иборат. Шунингдек дастур саволларга берилган жавобларнинг баҳолаш мезонларини ҳам белгилаб беради.

**Таянч фанлари бўйича иккинчи олий таълимга ўқишга кирувчи абитуриентларнинг билимига, тайёргарлигига ва кўникмаларига қўйиладиган талаблар**

Таянч фанлар доирасида тузилган синов дастурида иқтисодиёт, бизнес, тадбиркорлик ҳамда қурилиш соҳасининг моҳияти, функциялари, бозор иқтисодиёти шароитидаги роли ва ўрни, уларнинг барқарорлигини таъминлаш масалалари каби саволлар назарий ҳамда амалий жиҳатдан кўриб чиқилади, шундан келиб чиққан ҳолда 5230100 – "Иқтисодиёт (қурилиш)" таълим йўналиши бўйича иккинчи олий таълимга кирувчи:

- Таянч фанларни ўрганиш даврида ҳар бир мавзу бўйича тузилган тест саволларига жавоб бериб, тестдаги тегишли масалани еча олиши;

- Таянч фанларни ўзлаштириш натижасида иқтисодиёт, бизнес, тадбиркор, тадбиркорлик ва ҳоказо муносабатларида бўладиган ўзгаришларни билиши;
- Таълим йўналишига оид илмий ва илмий-техник ахборот билан мустақил ишлаш, тизимли мустақил таҳлил қилиш, хулоса чиқариш бўйича билимга эга бўлиши лозим.

**Иккинчи таълим йўналишига кириш синов мавзуларини умумкасбий фанлар билан алоқаси**

Таянч фанларни ўрганиш давомида абитуриент уни бошқа умумкасбий фанлар билан узвий боғлиқлигини тушунган ҳолда микро ва макро иқтисодий даражада, шунингдек иқтисодиёт, бизнес, тадбиркорлик ва бошқа муносабатларининг ролини ва ўрнини кўрсатиб бера оладиган даражада билишлари лозим.

Таянч фанларни ўрганиш иккинчи олий таълимга синов топшириб кириш учун тайёргарлик кўришда асос бўлиб ҳисобланади. Шу боис, тузилган синов саволларига жавоб беришда қуйидаги фанлар билан, яъни, **"Иқтисодиёт назарияси"**, "Кичик бизнес ва тадбиркорлик" фанлар билан узвий боғлиқлигини эътироф этиш муҳимдир.

**Иккинчи мутахассисликка кириш синов дастури**

**"ИҚТИСОДИЁТ НАЗАРИЯСИ"** фани бўйича

**Иқтисодий тизимлар ва доиравий айланишлар**

Иқтисодий тизимлар. Буйруқбозлик тизими. Иқтисодий тизим тушунчаси. Иқтисодий тизим моделлари: анъанавий иқтисодиёт, маъмурий-буйруқбозлик иқтисодиёти, бозор иқтисодиёти. Бозор иқтисодиётининг босқичлари: эркин рақобатга асосланган ва ҳозирги замон бозор иқтисодиёти. Бозор тизими. Бозор тизими хусусиятлари. Хусусий мулк. Корхона ва ишлаб чиқариш танлови эркинлиги. Бозорлар ва нархлар. Технология ва капитал маҳсулотлар. Ихтисослашув. Географик ихтисослашуви. Пулдан фойдаланиш. Фаоллик ва чекланганлик. Капитал киритиш. "Кўринмас қўл". Буйруқбозлик тизимининг якуни. Мувофиқлаштирувчи муаммолари. Рағбатлантириш муаммо.

Ишлаб чиқариш жараёнининг доиравий айланиши. Ишлаб чиқариш омилларининг ўзаро боғлиқлиги ва бир-бирининг ўрнини босиши. Ишлаб чиқариш жараёнининг мазмуни ва унинг иқтисодий асослари. Товар ва хизматлар нафлилиги ва қийматининг яратилишида ишлаб чиқариш омилларининг роли. Ишлаб чиқаришнинг умумий ва пировард натижалари. Доиравий айланиш модели. Маҳсулот бозори.

**Мулкчилик муносабатлари ва ижтимоий соҳа**

Уй хўжалиги даромадлари. Даромад тақсимланиши. Шахсий даромадлар тақсимланиши. Уй хўжалиги истеъмолчи сифатида. Мулкчилик муносабатларининг иқтисодий мазмуни. Мулк объекти ва субъекти. Мулкчиликнинг иқтисодий ва ҳуқуқий жиҳатлари. Мулк шаклларининг таснифланиши. Давлат мулки, жамоа мулки, шахсий мулк, хусусий мулк ва аралаш мулк. Иқтисодиётни ислоҳ қилишда мулкчиликнинг ўрни. Мулкчилик шаклларини ўзгартириш усуллари: миллийлаштириш, давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш. Давлат мулкини хусусийлаштиришнинг усуллари.

Ижтимоий соҳада давлатнинг роли. Аҳоли даромадларини тартибга солиш. Доиравий айланишни таъминлашда давлатнинг роли. Давлат трансферлари. Давлат солиқ имтиёзлари.

**Товар ва пул муносабатларининг шаклланиши**

Товар ва унинг хусусиятлари. Товар қийматининг миқдори. Индивидуал ва ижтимоий-зарурий меҳнат сарфлари. Ижтимоий-зарурий иш вақти. Меҳнатнинг тавсифи: аниқ меҳнат ва абстракт меҳнат. Меҳнат унумдорлиги ва интенсивлигининг товар қиймати миқдорига таъсири.

Пулнинг келиб чиқиши ва мазмуни. Пулнинг рационалистик ва эволюцион концепциялари. Қиймат шакллари. Пул тўғрисидаги металлистик, номиналистик ва миқдорий назариялар. Пулнинг асосий вазифалари: қиймат ўлчови, муомала воситаси, жамғариш воситаси, тўлов воситаси. Ҳозирги замон пулининг табиати ва мазмуни. Олтин ва қоғоз пулларнинг ўзаро боғлиқлиги. Нақд ва кредит пулларнинг хусусиятлари.

**Иқтисодиётнинг глобаллашув шароитида бозорнинг амал қилиши**

Бозорнинг мазмуни ва белгилари. Бозор механизми. Бозорнинг объектлари ва субъектлари. Бозорнинг вазифалари. Бозорнинг туркумланиши. Ресурслар, маҳсулотлар ва даромадларнинг доиравий айланиш диаграммаси. Бозор инфратузилмаси. Бозор инфратузилмаси муассасаларини гуруҳлаш йўналишлари. Бозор инфратузилмаси таркиби.

Халкаро савдо субъектлари. Халкаро савдонинг таъминланиши. Ихтисослик ва нисбий устунлик. Эркин савдо худудлари ва уларнинг амал килиши. Глобал ракобатнинг вужудга келиши.

Бозор иктисодиётининг мазмуни ва унинг ривожланиши. Бозор иктисодиётининг субъектлари: уй хўжаликлари, тадбиркорлик сектори, давлат сектори ва банк. Бозор иктисодиётининг асосий белгилари. Бозор тизимининг ўз-ўзини тартибга солувчи механизми. Классик ва хозирги замон бозор иктисодиёти, уларнинг умумий томонлари ва фарклари. Замонавий бозор хўжалиги моделлари.

## Бозор иктисодиётига ўтиш даври ва унинг Ўзбекистондаги хусусиятлари

Бозор иктисодиётига ўтиш даврининг мазмуни. Бозор иктисодиётига ўтиш – барча мамлакатларга хос умумий жараён. Бозор иктисодиётига ўтиш йўллари. Бозор иктисодиётига ўтишнинг революцион ва эволюцион шакллари. Маъмурий-буйрукбозликка асосланган иктисодиётдан бозор иктисодиётига ўтишнинг хусусиятлари. Ўтиш даврида бозор иктисодиётини шакллантиришнинг асосий йўналишлари.

Ўтиш даври иктисодиётининг асосий белгилари. Бозор иктисодиётига ўтишнинг миллий моделлари. 2017-2021 йилларга мўлжалланган бе5шта устивор йўналиш бўйича харакатлдар стратегияси. Ўзбекистонда бозор иктисодиётига ўтишнинг боскичлари.

Иктисодий ислохотларнинг мазмуни. Ўзбекистонда иктисодий ислохотларни амалга ошириш концепцияси ва стратегияси. Иктисодий ислохотларнинг боскичлари ва уларнинг вазифалари. Ўзбекистонда ислохотларни чукурлаштириш ва иктисодиётни эркинлаштиришнинг асосий йўналишлари.

## Талаб, таклиф ва бозор мувозанати

Талаб тушунчаси. Индивидуал талаб ва бозор талаби. Талаб конуни. Гиффен самараси. Талаб эгри чизиги. Талаб микдорига таъсир килувчи омиллар: истеъмолчи диди, бозордаги истеъмолчилар сони, уларнинг пул даромади, ўрнини босувчи товарлар нархи, келажакда нарх ва даромадларнинг ўзгариши эхтимоли. Олий ва паст тоифали товарлар. Энгель конуни. Энгель эгри чизиги.

Таклиф тушунчаси. Таклиф конуни. Таклиф эгри чизиги. Таклиф микдорига таъсир кўрсатувчи омиллар: ресурслар нархи, ишлаб чикариш технологияси, соликлар ва субсидиялар, бошка товарлар нархи, нарх ўзгаришининг кутилиши, ишлаб чикарувчилар сони. Иктисодий ресурсларга талаб ва таклифнинг хусусиятлари.

Талаб ва таклиф микдорларининг мос келиши. Киска ва узок даврларда талабнинг ўзгариши. Бозор мувозанати. Хусусий ва умумий мувозанатлик. Талаб ва таклиф эгилувчанлиги ва уларни белгилаб берувчи омиллар.

## Ракобат ва нархнинг шаклланиши

Ракобатнинг мохияти. Ракобатнинг вазифалари. Ракобатнинг турлари. Ялпи даромад ва ялпи харажат ёндашуви: киска муддат ичида фойдани максималлаштириш. Ракобат шакллари: соф ракобат, монополистик ракобат, олигополия ва соф монополия. Ракобатлашиш усуллари: нарх воситасидаги ва нархсиз ракобат. Ракобат курашининг замонавий шакллари. Соф ракобат ва самарадорлиги.

Нархнинг мазмуни. Нархга таъсир этувчи омиллар. Нархнинг вазифалари. Нарх турлари. Худудий, миллий ва жахон бозори нархлари. Нарх диапазони. Нарх ташкил топишининг бозор механизми. Мукаммал ракобат шароитида нархнинг шаклланиш хусусиятлари. Сотувчи ва харидор нархлари. Ракобат мухитини шакллантириш борасидаги давлат чора-тадбирлар. Ракобат мухитини кучайтиришнинг зарурлиги ва йўналишлари.

## Монополиянинг иктисодий асослари

Монополиянинг мохияти ва унинг вужудга келиши сабаблари. Монополия ўрганиш бўйича икки томонлама ёндашув. Монополияларнинг турлари: соф монополия, олигополия, монопсония. Табиий монополиялар. Легал ва сунъий монополиялар. Лернер коэффиценти. Патент ва лицензиялар: ёзувга конуний тўсиклар. Мулкчилик шакли ёки зарурий ресурслар назорати. Монополистик бирлашмалар шакллари. Монополияларнинг афзалликлари ва ижтимоий-иктисодий окибатлари. Шумпетер гипотезаси. Монополия иктисодий таъсири.

Олигополиянинг мохияти. Монополистик ракобатнинг вужудга келиши. Монополистик курашнинг ахамияти. Бозорда нархларнинг шаклланиш холати. Олигополия шароитида нархнинг шаклланиши. "Эргашиш" ва "инкор этиш" холатлари. Нарх бўйича етакчилик. Нарх сиёсати ва унинг Ўзбекистонда амалга оширилиш хусусиятлари. Нархларни эркинлаштириш йўллари ва боскичлари. Сотувчи ва харидор нархлари. Монополиянинг турли шаклларида нархнинг шаклланиши. Тартибга солинадиган монополия.

## Антимонопол қонунчилик ва монополияларни тартибга солиш

Рақобат бузилиши қонунлари. Шерман Акти – 1980. Клейтон акти – 1914. Федерал савдо Комиссияси далолатномаси – 1914. Селлар Кефаувер акти – 1950. Монополияга қарши сиёсат. Муаммолар ва таъсири. Талқини, масалалари. Рақобат бузилиши қонунлари самарадорлиги.

Табиий монополиялар. Ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш. Ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш муаммолари. Картел назариясининг ҳуқуқий асослари. Субсидиялар. Ижтимоий таъминотнинг ўзига хослиги. Ижтимоий таъминотнинг оптимал даражаси. Давлатнинг монополияга қарши тадбирлари. Монополияга қарши қонунчиликнинг шаклланиши. Монополистик корхоналарни тартибга солиш усуллари. Монополияга қарши сиёсатнинг натижалари.

Рақобат муҳитини кучайтиришнинг зарурлиги ва йўналишлари. Монополияга қарши қонунчиликнинг шаклланиши. Монополистик корхоналарни тартибга солиш усуллари. Монополияга қарши сиёсатнинг натижалари. Миллий иқтисодиёт рақобатбардошлигини оширишга қаратилган чора-тадбирлар

## Иш ҳақининг шаклланиши ва амал қилиши

Меҳнат. Иш ҳақи ва даромад. Иш ҳақининг умумий даражаси. Иш ҳақининг иқтисодий мазмуни. Номинал ва реал иш ҳақи. Реал иш ҳақининг даражаси ва ўзгаришига таъсир кўрсатувчи омиллар. Иш ҳақининг табақаланиши. Иш ҳақини ташкил қилиш шакллари ва тизимлари. Тариф тизими. Минимал иш ҳақи. Уч иттифоқ модели.

Меҳнат муносабатлари. Меҳнат шартномалари. Касаба уюшмаларининг тадбиркорлар ва давлат билан ўзаро муносабатлари. Касаба уюшмаларининг иш ҳақи даражасини ошириш йўллари. Ишчи кучи талаби ва таклифини ўзгартириш. Касб бўйича малака даражасини лицензиялаш. Жамоа шартномалари ва ижтимоий суғурта тизими. Очиқ ва ёпиқ турдаги касаба уюшмаларининг иш ҳақи даражасига таъсири. Меҳнат муносабатларини тартибга солишда давлатнинг роли.

## Истеъмолчи хулқи назарияси: нафлилик ва уни максималлаштириш қоидаси

Истеъмолчи хатти-ҳаракати назарияси. Истеъмолчининг афзал кўриши. Нафлилик функцияси. Сўнгги қўшилган нафлилик. Нафлиликни максималлаштириш қоидаси. Истеъмолчининг мувозанатли ҳолати. Бефарқлик эгри чизиғи. Бефарқлик картаси. Истеъмолчи бюджетининг чекланганлиги. Бюджет чизиғи. Нарх ва даромадлар ўзгаришининг истеъмолчи танловига таъсири. Нафлилик, ялпи нафлилик ва кейинги нафлилик тушунчалари. Истеъмолчининг афзал кўриши қоидаси. Сўнгги қўшилган нафлиликнинг пасайиб бориш қонуни. Ялпи (умумий) нафлилик ва сўнгги қўшилган нафлилик ўртасидаги фарқ. Истеъмолчи танловидаги бефарқлик ҳолати. Бефарқлик эгри чизиғи ва нафлилик. Бефарқлик картасини ҳосил қилиш. Истеъмолчи бюджети ва унинг чекланганлиги. Даромад ўзгаришининг бюджет чизиғига таъсири. Нарх ўзгаришининг бюджет чизиғига таъсири. Истеъмолчи танловига қўйиладиган шартлар. Сўнгги қўшилган нафлиликнинг товар нархига нисбати барча товарлар учун бир хил қийматга эга бўлиши. Истеъмолчининг мувозанатли ҳолати. Бефарқлик эгри чизиғининг ва бюджет чизиғининг бурчак коэффициентларини ҳисоблаш ва таққослаш.

## Ишлаб чиқариш харажатлари ва фойда

Иқтисодий харажатлар. Ишлаб чиқариш харажатларини тадқиқ этишдаги ёндашувлар. Бевосита ва муомала харажатлари. Ижтимоий ишлаб чиқариш харажатлари. Корхона ишлаб чиқариш харажатлари. Нархлар оддий фойда сифатида. Ички ва ташқи харажатлар. Доимий ва ўзгарувчи харажатлар. Доимий, ўзгарувчи ва умумий (ялпи) харажатларнинг графикдаги тасвири. Харажатларни минималлаштириш қоидаси. Иқтисодий фойда. Доимий, ўзгармайдиган ва жами харажатлар. Нархнинг ўзгариши эгри чизиғи. Харажатларнинг иқтисодий ва ноиқтисодий баҳолаш. Баҳолашнинг минимал самараси ва саноат таркиби. Фирмаларнинг муваффақиятли иш бошлаши. Унумдорлик пасайиб бориши қонуни.

Корхонанинг пул тушумлари ва фойдаси. Харажатлар ва даромадлар эгри чизиғи. Зарар кўрмаслик нуқтаси. Фойданинг таркиб топиш босқичлари. Фойда миқдорига таъсир кўрсатувчи омиллар. Маҳсулот қиймати таркиби. Ялпи фойданинг тақсимланиши. Иқтисодий фойда ва бухгалтерия фойдасининг фарқланиши. Соф фойда. Фойда нормаси ва массаси ҳамда уларни ҳисоблаш. Фойда нормасига таъсир кўрсатувчи омиллар.

## Ялпи ички маҳсулот ва миллий даромад

Асосий макроиқтисодий кўрсаткичлар. Иқтисодий фаолиятни баҳолаш. Ялпи миллий маҳсулот ва ялпи ички маҳсулот. Номинал ва реал ялпи ички маҳсулот. Монетар баҳолаш. Ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқаришдан ташқари

битимларни ўз ичига олмайди. Ялпи ички махсулотни хисоблаш усуллари: қўшилган қийматлар, сарф-харажатлар ва даромад. Ялпи ички хусусий инвестициялар. ЯИМни хисоблашга қўшилган қийматлар бўйича ёндашув. ЯИМни хисоблашга сарф-харажатлар бўйича ёндашув. Уй хўжаликларининг истеъмол сарфлари. Инвестицион сарфлар. Давлат сарфлари. Чет элликларнинг сарфлари. ЯИМни хисоблашга даромадлар бўйича ёндашув. Статистик фарк. Асосий капиталга истеъмол.

Миллий хисоблар тизими. Соф миллий махсулот, миллий даромад ва шахсий даромад. Хуфёна иктисодиёт, унинг ўлчамлари ва намоён бўлиш шакллари. Миллий махсулот (ЯИМ) ни кўпайтириш омиллари ва йўллари.

### Ялпи талаб ва ялпи таклиф

Ялпи талаб. Ялпи талаб эгри чизиғи. Фоиз ставкаси таъсири. Ташқи савдо таъсири. Ялпи талаб ўзгариши. Ялпи талаб миқдорига таъсир этувчи омиллар. Истеъмол харажатлари. Истеъмолчилар сони. Истемолчи кутиши. Инвестицион сарфлар. Давлат бюджети харажатлари. Соф экспорт харажатлари. Хориждаги миллий даромад.

Ялпи таклиф. Узок муддатли ялпи таклиф. Қиска муддатли ялпи таклиф. Ялпи таклифдаги ўзгаришлар. Ялпи таклиф миқдорига таъсир қилувчи омиллар. Ички ресурс нархлар. Импорт ресурслари нархлари. Унумдорлик. Хукукий-ташкилий мухит. Бизнесга соликлар ва субсидиялар. Давлат томонидан тартибга солиш. Мувозанат ва мувозанатли ўзгаришлар. Ялпи талабнинг ўсиши. Ялпи талабни ошириш – инфляцияга қарши кураш омили. Ялпи талабнинг пасайиши: рецессия ва даврий ишсизлик. Иктисодий суриш инфляция: сифатида камаяди. Ялпи таклиф пасайиши: Нархларнинг ўзгариши. Ялпи таклифнинг ўсиши: нархлар даражасининг баркарорлиги ва тўла бандлик

Ялпи талаб ва ялпи таклиф ўртасидаги мувозанат ва унинг ўзгариши. AD-AS модели. Ялпи талаб ва ялпи таклиф эгри чизикларининг кесишиши. Храповик самараси. Миллий бозорнинг тўйинганлик даражаси. Такчилликнинг иктисодий табиати ва уни бартараф килиш йўллари.

### Асосий макроиктисодий муносабатлар: истеъмол ва жамғарма

Даромаднинг истемол ва жамғарма муносабатлари. Истеъмол ва жамғарма. Ўртача ва чекланган истеъмоллар. Истеъмол ва жамғарма даражасини белгиловчи омиллар. Истеъмол фонди ва истеъмол сарфлари. Фоиз ставкаси – инвестицион муносабатлар сифатида. Истеъмол ва жамғарма хажмига таъсир этувчи омиллар.

Жамғаришнинг мазмуни ва унинг манбалари. Ишлаб чикариш ва ноишлаб чикариш максадидаги жамғариш. Жамғариш нормаси. Номинал ва реал жамғариш.Реал фоиз ставкаси. Инвестицион талаб эгри чизиғи. Инвестиция талаб эгри чизиғи ўзгариши. Харид, техник ва операцион харажатлар. Бизнес соликлар. Технологик ўзгаришлар. Капитал товарлар фонди. Инвестицион бекарорлик. Инновацион бетартиблик. Фойда ўзгарувчанлиги. Келажакдаги ўзгаришлар. Мултипликатор ва чекланган афзалликлар. Жамғарма ва инвестиция ўртасидаги нисбат. Жамғарма ва инвестиция ўртасидаги мувозанатнинг классик ва кейнсча моделлари, улар ўртасидаги фарклар.

### Молиявий инвестиция ва инвестицион сиёсат

Инвестицияларнинг мазмуни. Инвестициянинг вазифалари. Инвестиция манбалари ва тузилиши. Инвестициянинг турлари. Инвестицияларга сарфлар даражасини белгиловчи омиллар. Инвестиция функцияси.

Мураккаб фоиз хисоби. Жорий нархлар модели. Баъзи машхур инвестициялар. Қимматли когозлар. Акциядорлик жамияти ва акциядорлик капитали. Акция ва унинг турлари. Акция курси. Дивиденд ва таъсисчилар фойдаси. Назорат пакети. Облигациялар. Ўзаро молиялаш. Инвестицияларнинг кайтишини хисоблаш. Инвестициянинг кайтишида нархлар ва ставканинг ахамияти. Хавф-хатар. Диверсификациялаш. Инвестиция киритиш хавфини таккослаш. Хавф ва кайтишнинг ўртача кутилган даражадаги муносабатлари. Қайтиш хавфи ва эркинлик даражаси. Бозор йўлларининг хавфсизлиги

Инвестицион фаолиятни таъминлаш ва унинг шарт-шароитлари. Таркибий ўзгаришларни изчил амалга оширишда кулай инвестиция мухитининг яратилиши.

### Иктисодий ўсиш

Иктисодий ўсиш таркиби. Таклиф омиллар. Талаб омили. Самарадорлик омили. Ишлаб чикариш имкониятларини тахлил килиш. Иктисодий ўсиш ва ишлаб чикариш имкониятлари. Мехнат ва хосилдорлик. АД-АС модели ўсиши. Ишлаб чикариш имкониятлари ва жами таъминоти. Кенгайтирилган АД-АС модели. Иктисодий ўсишни хисоблаш. Иктисодий ўсишни хисоблашнинг «70 микдори коидаси». Иктисодий ўсишнинг экстенсив ва интенсив турлари. Иктисодий ўсишнинг алохида томонларини тавсифловчи кўрсаткичлар. Технологик ва капитал микдори.

Иктисодий ўсишнинг омиллари. Ялпи талаб ва ялпи таклифнинг иктисодий ўсишга таъсири. Иктисодий ўсишни белгиловчи хусусий

кўрсаткичлар. Кейинги қўшилган ишлаб чиқариш омиллари унумдорлиги кўрсаткичлари. Реал махсулот ўсишини аниқлаб берувчи омиллар.

Иқтисодий тараққиётнинг мазмуни ва кўрсаткичлари. Иқтисодий ўсиш назариялари, концепция ва моделлари. Иқтисодий ўсишнинг кейнсча ва неокейнсча моделлари. Кобб-Дуглас моделининг мазмуни. Р.Харрод ва Е.Домар моделлари. В.Леонтьевнинг "харажатлар-натижалар" модели. "Ноль даражадаги иқтисодий ўсиш" концепцияси.

### Иқтисодий мувозанатлик ва нисбатлар

Ялпи ички махсулот мувозанати. Реал ички махсулот тахлили. Ялпи харажатлар. Ялпи ички махсулот мувозанатининг хусусиятлари. Умумиқтисодий ва хусусий мувозанатлик. Турғун ва муттасил ривожланиб борувчи мувозанатлик. Иқтисодий мувозанат даражасини аниқлаш усуллари. Жамғарма ва инвестициялар мувозанати. Мувозанатли ялпи ички махсулот ва мултипликатор самарасининг ўзгариши. Халқаро савдонинг қўшилиши. Соф экспорт ва ялпи харажатлар. Соф экспорт ва мувозанатли ялпи ички махсулот. Халқаро иқтисодий бирлашмалар. Давлат секторининг қўшилиши. Давлат хариди ва мувозанатли ялпи ички махсулот. Солиқ ва ялпи ички махсулот. Тўлиқ бандликнинг ялпи ички махсулотга нисбатан мувозанати.

Иқтисодий мутаносиблик ва унинг турлари. Мутаносибликларнинг таснифланиши. Мутаносибликларни таъминлаш орқали миллий ишлаб чиқаришнинг мувозанатли ривожлантириш максадлари.

Макроиқтисодий баркарорлаштириш сиёсатини амалга ошириш натижалари. Иқтисодиёт ички тузилишидаги ўзгаришлар.

### Макроиқтисодий бекарорлик: инқироз, ишсизлик ва инфляция

Иқтисодий ривожланишдаги номутаносибликлар ва уларнинг намоён бўлиш шакллари. Иқтисодиётнинг циклли ривожланиши. Иқтисодий цикл фазалари. Циклик тебранишлар. Иқтисодий цикл назариялари. Экстернал ва интернал назариялар. Соф монетар назария. Етарлича истеъмол қилмаслик назарияси. Жамғариш назарияси. Психологик назария. Иқтисодий цикл турлари.

Иқтисодий инқирознинг мазмуни ва турлари. Пул-кредит сохасидаги инқироз, валюта инқирози, биржа инқирози, экологик инқироз, тармоқлар инқирози, таркибий инқироз, аграр инқироз. Даврий, оралиқ, номунтазам инқирозлар. Ортиқча ишлаб чиқариш ва тақчил ишлаб чиқариш инқирозлари. Ҳозирги жахон молиявий-иқтисодий инқирозининг моҳияти, келиб чиқиш сабаблари ва салбий оқибатлари. Ривожланган мамлакатларнинг жахон молиявий инқирозидан чиқиш борасидаги чора-тадбирлари.

Ишсизликни ҳисоблаш. Ишсизлик турлари. Ишсизлик турлари. Фрикцион ишсизлик. Тўла бандлик тавсифи. Даврий ишсизлик. Ишсизлик даражасини халқаро таққослаш. Инфляциянинг мазмуни. Инфляцияни ҳисоблаш. Инфляцияга таъсир қилувчи омиллари. Талабни ошириш – инфляцияга қарши кураш омили. Нарх инфляцияси. Номинал ва реал даромад. Доимий даромадлар ўзгариши. Кутилган инфляция. Мослашувчан даромад олувчи субъектлар. А.Оукен қонуни. Ишсизлик ва инфляциянинг ўзаро боғлиқлиги.

### Пул муомаласи, кредит ва банклар

Пулнинг вазифалари. Пул таъминоти қисмлари. Пул агрегатлари. Муомала учун зарур бўлган пул миқдори. Пул муомаласи қонунлари. Пулнинг айланиш тезлиги. Пул миқдорини аниқлашга турлича ёндашувлар. Пул бозорида талаб ва таклиф. Пул таклифи ва унинг мультипликатори.

Кредитнинг моҳияти, вазифалари ва турлари. Кредит муносабатларининг объектлари ва субъектлари. Кредит ресурсларининг манбалари. Кредит бериш тамойиллари. Фоиз ставкаси ва унинг даражасини аниқловчи омиллар. Кредит-пул тизимини давлат томонидан тартибга солиш.

Тижорат банкларнинг мазмуни. Банк тизими. Марказий банк ва унинг вазифалари. Тижорат банклари ва уларнинг вазифалари. Банк операциялари ва банк фойдасининг ҳосил бўлиши. Банк тизимининг такомиллаштирилиши.

Банк тизимининг такомиллаштирилиши. IS – LM моделида бюджет-солиқ ва пул кредит сиёсати. Пул миқдорининг ўсишини товарлар ва хизматлар миқдорининг тегишли даражада ўсиши билан боғлаб олиб бориш.

### Иқтисодиётда давлатнинг роли

Иқтисодиётни тартибга солишнинг моҳияти ва зарурлиги. Иқтисодиётни тартибга солишнинг классик, монетаристик, кейнсча назариялари.

Ижтимоий товарлар. Алохида товарлар хусусияти. Ижтимоий товарлар хусусиятлари. Ижтимоий товарларнинг оптимал миқдори. Экстернал назариялар. Жавобгарлик қоидалари ва мунозарали. Давлат аралашуви. Субсидиялар ва давлат таъминоти. Иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солишнинг максади. Давлатнинг иқтисодий ўрни ва вазифалари. Фан-техника тараққиёти, таркибий, ижтимоий ва минтақавий сиёсатни амалга оширишда давлатнинг ўрни.

Давлатнинг иқтисодиётни тартибга солишдаги бевосита ва билвосита усуллари. Иқтисодиётнинг давлат сектори ва унинг чегаралари. Давлат буюртмалари ва давлат харидлари. Пул-кредит сиёсати. Монетар сиёсат. Бюджет сиёсати. Давлат иқтисодий дастурлари. Ташқи иқтисодий усуллари.

### Аҳоли даромадлари тенгсизлиги

Даромадлар тенгсизлиги тўғрисида назариялар. Даромадлар тенгсизлиги ва унинг даражасини аниқлаш. Лоренц эгри чизиғи. Дицель ва Жини коэффициентлари. Кузнец гипотезаси. Бозор иқтисодиёти шароитида даромадлар тенгсизлигини келтириб чиқарувчи умумий омиллар.

Аҳоли даромадлари, уларнинг турлари ва шаклланиш манбалари. Номинал ва реал даромад. Даромадларнинг табақаланиш сабаблари ва омиллари. Турмуш даражаси ва сифати. Турмуш даражаси ва қашшоқликнинг кўрсаткичлари. Оила бюджети: даромадлар ва харажатлар таркиби. Фаровонликнинг энг қуйи чегараси. Турмуш тарзи. Яшаш минимуми. Даромадларни давлат томонидан қайта тақсимлаш ғояси, мақсади ва дастаклари. Ижтимоий тўловлар. Ижтимоий сиёсат. Даромадларнинг энг кам ва ўртача даражасини мунтазам ошириб бориш. Ички истеъмол бозорини ҳимоя қилиш. Ижтимоий сиёсатни амалга оширишда сифат жиҳатидан янги босқичи.

### Ишчи кучи бозори. Ишчи кучи ва унинг бандлиги

Ишчи кучи бозори тўғрисида турлича назариялар. Қарашларнинг фарқлари. Касбий ажратиш бартараф. Ижобий тадбирлар ихтилоф. Иммиграция. Иммигратсия Иқтисодиёт. Иш ҳақи ставкалари ва жаҳон махсулотлари. Туғилиш ва ўлим. Миграция. Пул ўтказмалари ва қайта тайёрлаш. Тўла бандлик орқали ишсизликнинг олдини олиш.

Ишчи кучининг ижтимоий-иқтисодий мазмуни. Ишчи кучини такрор ҳосил қилиш. Ялпи ишчи кучининг миқдор ва сифат жиҳатдан аниқланиши. ФТТнинг ишчи кучини сифат жиҳатдан такомиллашувига таъсири. Нуфус қонуни. Аҳолининг табиий ўсиши. Ишчи кучи миграцияси ва унинг шакллари. Эммиграция. Иммиграция: Икки кўриниши.

Ишчи кучи бозори. Ишчи кучига талаб ва таклиф ҳамда уни аниқловчи омиллар. Ишчи кучи бозорининг ижтимоий-иқтисодий хусусиятлари. Филлипс эгри чизиғи. Ишчи кучи бандлиги тўғрисида турли хил назариялар. Неоклассик, кейнсча, монетаристик, институционал-социологик мактаб концепциялари. Шартномага асосланган бандлик назарияси. Бандлик моделлари. Мослашувчан ишчи кучи бозори концепцияси.

### Халқаро савдо

Халқаро савдо тўғрисидаги турли хил назариялар. Савдонинг иқтисодий асослари. Мутлақ устунлик ва қиёсий устунлик назариялари. Қиёсий афзаллик назариясининг графикдаги таҳлил. Қиёсий афзаллик асосида ихтисослашув. Савдо шартлари. Савдо ютуқлари. Савдода харажатларнинг ошиб бориши. Хекшер-Олин-Самуэльсон модели. Ишлаб чиқариш омиллари нисбати назарияси. Ишчи кучи малакаси модели. Муқобил харажатлар модели. Эркин савдо келишувлари. Экспорт ва импортнинг талаб ва таклиф таҳлили. Жаҳон нархи мувозанати, экспорт ва импорт. Экспорт ва импорт мультипликатори. Экспорт ва импорт ҳажми ўзгаришининг ялпи миллий ишлаб чиқариш ҳажмига таъсири. Халқаро савдонинг хусусиятлари. Протекционизм ва эркин савдо сиёсатлари. Экспортни рағбатлантириш усуллари. Савдо тўсиқлар. Тарифлар иқтисодий таъсири. Квоталар иқтисодий таъсири. Соф харажатлар ва квоталар. Муҳофаза қилиш келишувлари: танқидий таҳлил. Оффшоринг. Жаҳон савдо ташкилоти.

### Валюта курси, тўлов баланси ва унинг тақчиллиги

Халқаро савдони молиялаштириш. Экспорт битимлари. Импорт битимлари. Тўлов баланси ва унинг таркиби. Амалдаги ҳисоб. Товарлар мутаносиблиги. Ташқи савдо баланси. Абсорбция. Капитал ҳаракати баланси. Хизматлар баланси. Амалдаги ҳисоб баланси. Капитал ва молиявий ҳисоб. Капитал ҳисоб. Молиявий ҳисоб. Тўловлар, дефицит ва профицит. Расмий захираларнинг асосий кўринишлари. Расмий захиралар бўйича операциялар.

Валюта айирбошлаш курсини белгиловчи омиллар. Аммортизация ва баҳо. Истеъмолчи диди ўзгариши. Нисбий даромадларнинг ўзгариши. Нисбий нарх даражасининг ўзгариши. Нисбий фоиз ставкалари. Мослашувчан ставкалари ва тўлов баланси. Мослашувчан валюта курсининг камчиликлари. Халқаро валюта-кредит муносабатлари. Миллий ва халқаро валюта тизими. Жаҳон валюта тизимининг ривожланиш босқичлари: олтин стандарт, олтин-девизли ва сузиб юрувчи валюта тизими. Валюта курси ва унга таъсир кўрсатувчи омиллар. Харид қилиш лаёқати паритети назарияси.

Валюта-молия соҳасидаги давлатлараро ташкилотлар фаолиятининг ривожланиши. Халқаро валюта фонди. Европа валюта тизими. Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки. Халқаро молиявий корпорация. Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти. Европа тикланиш ва тараққиёти банки. Осиё тараққиёт банки.

## “КИЧИК БИЗНЕС ВА ТАДБИРКОРЛИК” фани бўйича

### Кичик бизнес ва тадбиркорликнинг моҳияти ва мазмуни

Кичик бизнес ва тадбиркорлик тушунчалари. Кичик бизнес ва тадбиркорликнинг моҳияти. Кичик бизнес ва тадбиркорлик фаолиятининг иктисодий, ижтимоий ва ҳуқуқий асослари. Кичик бизнес ва тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришнинг максади ва вазифалари. Кичик бизнес ва тадбиркорликни иктисодиётда тутган ўрни. Ўзбекистонда кичик бизнес ва тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари. Кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантиришни давлат томонидан қўллаб-кувватланиши. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг тадбиркорликни қўллаб қувватлашга доир фармонлари ва қарорлари.

### Кичик бизнес ва тадбиркорлик фаолиятининг турлари ва шакллари

Тадбиркорлик турлари. Ишлаб чикариш тадбиркорлиги. Инновацион тадбиркорлик. Илмий техник тадбиркорлик. Товар ишлаб чикариш ва хизмат кўрсатиш бўйича тадбиркорлик. Тижорат тадбиркорлиги. Молиявий тадбиркорлик. Маслаҳат тадбиркорлиги. Маслаҳат хизматлари.

Тадбиркорлик шакллари. Якка тартибдаги тадбиркорлик. Хусусий тадбиркорлик. Жамоа тадбиркорлиги. Фирмалар. Маъсулияти чекланган ва чекланмаган жамиятлар. Акциядорлик жамияти. Корпорация. Холдинг компания. Давлат корхоналари. Концерн. Консорциум. Кооператив. Картел. Синдикат. Венчур корхоналар. Ижара корхоналар. Инжиниринг корхоналар.

### Кичик бизнес ва тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш ва бошқариш

Кичик бизнес ва тадбиркорлик корхоналарини ташкил этиш ва давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби. Кичик бизнес субъектларини банк, солиқ ва молия муассасаларидан рўйхатдан ўтказиш учун зарур ҳужжатлар, уларнинг мазмуни. Кичик бизнес субъектларининг банкротлилиги. Кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларини қайта ташкил этиш ва ёпиш тартиби. Кичик бизнес ва тадбиркорлик корхоналарига лицензия бериш тартиби. Кичик бизнес ва тадбиркорлик корхоналарига лицензия берувчи ташкилотлар. Лицензия бериш муддатлари. Лицензияни бекор килиш тартиби.

Кичик бизнес ва тадбиркорлик фаолиятини бошқаришнинг мақсади ва вазифалари. Кичик бизнес ва тадбиркорлик корхоналари бошқарувининг ташкилий тузилмалари. Кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларини бошқариш усуллари ва қарорлар қабул қилиш жараёни.

### Кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларида маркетинг фаолиятини ташкил этиш

Кичик бизнес ва тадбиркорлик фаолиятида маркетингнинг аҳамияти. Маркетинг – бизнес фалсафаси. Маркетингнинг бошқарув функцияси. Бозорни танлаш. Тадбиркорлик фаолиятида бозор сегментациясининг аҳамияти. Бозор сегментациясининг хусусиятлари. Бозорни сегментлашни ташкил этиш. Бозордаги мақсадли сегментни танлаш. Бозор имкониятларида бизнесдаги кучли томонларнинг мувофиқлиги. Товарнинг ҳаётийлик даври. Кичик бизнес ва тадбиркорлик тизимида реклама фаолиятини ташкил этиш. Кичик бизнес ва тадбиркорлик фаолиятида маркетинг тадқиқотларидан фойдаланиш. Кичик бизнес ва тадбиркорлик фаолияти учун маркетинг дастурини ишлаб чиқиш.

### Кичик бизнес ва тадбиркорлик фаолиятини режалаштириш

Кичик бизнес ва тадбиркорлик фаолиятини режалаштиришнинг мақсади ва вазифалари. Кичик бизнес ва тадбиркорлик фаолиятини ривожланишида бизнес-режанинг аҳамияти. Бизнес-режанинг моҳияти, мазмуни ва тузиш зарурияти. Бизнес-режанинг асосий бўлимлари. Бизнес-режани бажарилишини назорат қилиш. Кичик бизнес ва тадбиркорлик фаолиятини режалаштиришни такомиллаштириш.

Кичик бизнес ва тадбиркорлик фаолиятини иқтисодий таҳлил қилишнинг мақсади ва вазифалари. Кичик бизнес ва тадбиркорлик корхоналари фаолиятини оператив ва стратегик таҳлил қилиш. Кичик бизнес ва тадбиркорлик корхоналари фаолияти самарадорлиги таҳлили.

### Кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларига хизмат кўрсатувчи бозор инфратузилмалари

Инфратузилманинг моҳияти. Кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларига хизмат кўрсатувчи бозор инфратузилмаси турлари. Брокерлик идоралари, улгуржи ва чакана савдо тузилмалари, лизинг, консальтинг ва суғурта компаниялари, божхона хизмати, ахборот – маслаҳат марказлари, инжиниринг ва аудиторлик фирмалари.

Ўзбекистоннинг банк-молия тизими. Банк-молия соҳасидаги ўзгаришлар. Банкларнинг асосий операциялари. Кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожланишида банкларнинг роли. Банклардан кредит бериш тартиби.

Ўзбекистонда солиқ тизими. Умумдавлат ва маҳаллий солиқлар. Солиқ юкини камайтиришга каратилган солиқ сиёсати. Кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларини солиққа тортиш. Кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларидан олинадиган солиқ турлари. Кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларидан солиқ олиш қоидалари ва солиқ имтиёзлари.

### Кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларида ишлаб чиқариш харажатлари ва махсулот таннархи таҳлили

Ишлаб чиқариш харажатларининг моҳияти таркиби ва элементлари. Кичик бизнес субъектларнинг ишлаб чиқариш, сотиш ва бошка фаолияти натижасида юзага келадиган харажатларни туркумлаш. Ишлаб чиқариш харажатлари. Ноишлаб чиқариш харажатлари. Ички харажатлар. Ташқи харажатлар. Доимий харажатлар. Ўзгарувчан харажатлар. Бевосита харажатлар. Билвосита харажатлар. Махсулот таннархига киритиладиган харажатлар. Давр харажатлари. Молиявий фаолият бўйича харажатлар. Фавкулотда зарарлар. Махсулотни таннархи ва уни хисоблаш усуллари. Маҳсулот таннархини пасайтириш йўллари.

### Кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларининг молиявий фаолияти таҳлили

Кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларининг молиявий фаолияти кўрсаткичлари. Кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларининг асосий молиявий хужжатлари. Баланс. Кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектлари молиявий фаолиятини тахлил қилиш. Молиявий таҳлилнинг турлари ва уларни ўтказиш услублари. Кичик бизнес ва тадбиркорликда молиявий режалаштиришнинг моҳияти, максади ва асосий кўрсаткичлари. Кичик бизнес ва тадбиркорликни молиялаштириш манбалари. Кичик бизнес субъектларини кредит билан таъминлаш шакллари. Кредит турлари. Кичик бизнес субъектларини молиялаштиришнинг бошка манбалари ва улардан самарали фойдаланиш.

Ялпи даромад ва фойда. Фойданинг турлари. Кичик бизнес ва тадбиркорлик соҳасида фойда турларини таҳлил қилиш. Кичик бизнес ва тадбиркорлик тизимида рентабеллик даражасини хисоблаш усуллари.

### Тадбиркорлик этикаси ва маданияти

Тадбиркор раҳбар этикаси. Тадбиркор раҳбарнинг этика кодекси. Ўзига жалб қилиш имиджи. Тадбиркор раҳбар фаолиятининг руҳий-психологик хусусиятлари. Тадбиркор раҳбар этикети. Сухбатлашиш, танишиш ҳамда сўрашиш нормаси. Иш контрактларини ташкил қилиш. Иш сухбатларини олиб бориш. Иш қоғозларини ёзиш. Телефонда гаплашиш маданияти. Иш баёни ва хисоботи. Тадбиркор раҳбарнинг нутқ маданияти ва унинг руҳий-психологик хусусиятлари. Тадбиркор раҳбарнинг ташқи кўриниши ва ўзини тутиши. Тадбиркор раҳбар ва ходимлар ўртасидаги муносабатлар. Тадбиркор раҳбар фаолиятида можароли ҳолатлар ва уларни ҳал этиш усуллари.

### Кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларининг экспорт салоҳиятини баҳолаш

Кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларида экспортнинг ҳозирги ҳолати ва таҳлили. Экспортёр корхоналарнинг давлат томонидан қўллаб-кувватланиши. Экспортёр корхоналарга яратилган шарт-шароитлар ва имтиёзлар. Экспортга маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхоналар олдида турган муаммолар ва уларни бартараф этиш йўллари. Кичик бизнес корхоналарида экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқаришни рағбатлантириш. Хорижда ўзбек савдо уйларини ташкил этиш. Экспорт кўрсаткичларини хисоблаш усуллари.

### Ўзбекистонда кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш истиқболлари

Ўзбекистонда кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантиришнинг Давлат дастури. Кичик бизнес ва тадбиркорликни миллий иқтисодиётнинг турли секторларида ривожланиши. Кичик ва йирик бизнес корхоналари ўртасида хўжалик алоқаларининг йўлга қўйилиши. Кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантиришнинг хорижий мамлакатлар тажрибаси.

**5230100 “Иктисодиёт” (курилиш) таълим йўналиши бўйича таянч фанларидан иккинчи олий таълимга кирувчилар учун**

**Б А Ҳ О Л А Ш  М Е З О Н И**

1. “Иктисодиёт” (курилиш) таълим йўналиши бўйича иккинчи олий таълимга кирувчилар томонидан бажариладиган тест топшириклари Ўзбекистон Республикаси ОУМТВ томонидан белгиланган умумтартиб ва Низом коидаларига амал килинган холда ўтказилади.

2. “Иктисодиёт” (курилиш) таълим йўналиши бўйича иккинчи олий таълимга кирувчиларни махсус фанлар бўйича бажарадиган тест топшириклари натижалари 100 баллик тизимда амалга оширилади.

3. “Иктисодиёт” (курилиш) таянч фанларидан кириш синови тест шаклида ўтказилади. Ҳар бир вариант 50 та саволдан иборат. Вариантдаги 50 та саволнинг хар биридан олиш мумкин бўлган балл микдори 2 баллдан иборат.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

**Асосий адабиётлар**


1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. -Т.: “Ўзбекистон”, 2014 й

2. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони 2017 – йил 7 – феврал. Халк сўзи

3. Мирзиёев Ш.М Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномаси. 2018 йил

4. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг. “Танкидий тахлил, катъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – хар бир рахбар фаолиятининг кундалик коидаси бўлиши керак” // Мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иктисодий ривожлантиришнинг асосий якунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иктисодий дастурнинг энг мухим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузаси. Халк сўзи, 2017 йил 16 январь

5. “Хусусий корхоналар тўғрисида” Қонуни. 2003 й. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаш ахборотномаси 2004 йил 3-сон.

6. Ўзбекистон Республикасининг Фукаролик кодекси, 1995 йил, 21 декабр.

7. Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 29 декабрдаги "Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни хар томонлама химоя килишга ва ишбилармонлик мухитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир кўшимча чора-тадбирлар кабул килинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим конун ҳужжатларига ўзгартиш ва кўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Қонуни.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 17 январдаги “Тадбиркорлик максадларида фойдаланиш учун давлат мулки объектларини сотишни жадаллаштириш ва унинг тартиб-таомилларини янада соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-4933-сонли Фармони. Ўзбекистон Республикаси конун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 3-сон

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 31 январдаги «Кичик ва хусусий тадбиркорликни микрокредитлаш тизимини янада кенгайтириш ва соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2746-сонли карори. Ўзбекистон Республикаси конун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон.

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 1 февралдаги “Тадбиркорлик субъектларига давлат хизматларини кўрсатиш механизмларини такомиллаштиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-2750-сон карори. Ўзбекистон Республикаси конун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 5-сон

11. Шодмонов Ш.Ш., Ғофуров У.В. Иктисодиёт назарияси. Дарслик. – Т.: Iqtisod-moliya, 2010.

12. Самадов А.Н., Остонакулова Г.Н. Кичик бизнес ва тадбиркорлик – Т.: Молия-иктисод, 2008.

13. Ходиев Б.Ю., Қосимова М.С., Самадов А.Н. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик – Т.: ТДИУ, 2011.

**Қўшимча адабиётлар**

1. Расулов М. Бозор иктисодиёти асослари - Т. : Ўзбекистон, 1999.

2. Хасанов Н. ва бошк. Корхонанинг молиявий ҳолатини баҳолаш - Т.: «Иктисодиёт ва хуқук дунёси» нашриёти, 1999.

3. Эргашев Ё. Иктисодий ва молиявий таҳлил - Т.: Молия, 2000.

4. Ўлмасов А., Ваҳобов А.В. Иктисодиёт назарияси. Дарслик. – Т.: «Iqtisod-moliya», 2014. – 480 бет.

5. Шодмонов Ш.Ш. ва бошк. Иктисодиёт назарияси - Т.: Молия, 2000.

**Интернет сайтлари:**

1. www.ziyonet.uz.
2. www.lex.uz.
3. www.stat.uz.
4. www. google.co.uz